

№ 03-000449
19.08.2020



“ТАСДИҚЛАЙМАН”

Геология фанлари
университети ректори в.б.

 Б.Ф. Исламов

“ 12 ” август 2020 й.

**«МИНЕРАЛ РЕСУРСЛАР ИНСТИТУТИ»
ДАВЛАТ МУАССАСАСИ
УСТАВИ**

Тошкент - 2020 й.

1. Умумий қоидалар

Ушбу Устав Ўзбекистон Республикаси давлат геология ва минерал ресурслар қўмитаси тизимидаги Геология фанлари университети таркибида «Минерал ресурслар институти» давлат муассасасининг мақоми, мақсади, вазифа ва функцияларини, ҳамда фаолиятининг ташкилий асосларини белгилайди.

1.1. «Минерал ресурслар институти» Давлат муассасаси Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 08 июндаги “Давлат геология ва минерал ресурслар қўмитаси тизимида Геология фанлари университети фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-4740-сонли Қарорига мувофиқ «Минерал ресурслар институти» Давлат корхонаси негизида қайта ташкил этилган ва Геология фанлари университети таркибида фаолият юритади.

Геология фанлари университети (кейинги ўринларда Университет) «Минерал ресурслар институти» Давлат муассасасининг (кейинги ўринларда Институт) ягона муассасиси ҳисобланади.

Институт “Минерал ресурслар институти” давлат корхонасининг ҳуқуқий вориси ҳисобланади.

1.2. Институт Университет таркибидаги юридик шахс мақомига эга бўлган, мулкдор томонидан ташкил этилган ва тўлиқ ёки қисман молиявий таъминлаб туриладиган, молиявий жиҳатдан таъминланадиган нотижорат ташкилот шаклидаги давлат муассасаси ҳисобланади. Институт ўзининг алоҳида мулкига, мустақил балансига, банк ҳисоб рақамига, шу жумладан валюта ҳисоб рақамига, штампи ва бланкига, Ўзбекистон Республикаси Давлат герби тасвирланган ва давлат тилидаги муассаса номи кўрсатилган юмалоқ муҳрига эга.

1.3. Институт таркибига илмий-тадқиқот ишларининг устивор йўналишлари бўйича фаолият олиб борувчи бўлимлар, марказлар, экспедиция, секторлар, лабораториялар, илмий лойиҳаларни амалга оширувчи гуруҳлар, ёрдамчи хизмат кўрсатувчи бўлинмалар ва участкалар киради.

1.4. Институтнинг расмий тўлиқ номланиши:

давлат тили, Кирилл алифбосида - «Минерал ресурслар институти» Давлат муассасаси, қисқартирилган номи - МРИ;

давлат тили, лотин алифбосида - «Mineral resurslar instituti» Davlat muassasasi, қисқартирилган номи: - MRI;

рус тилида - Государственное учреждение «Институт минеральных ресурсов», қисқартирилган номи - ИМР;

инглиз тилида - State Establishment «Institute of Mineral Resources» (IMR).

1.5. Институт ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорлари, фармонлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг формонлари ва қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар

Маҳкамасининг қарорлари ва фармойишлари, ҳамда бошқа ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатларга, Ўзбекистон Республикаси давлат геология ва минерал ресурслар қўмитаси (кейинги ўринларда - Давлат геология қўмитаси)нинг Ҳайъат қарорлари, буйруқлари, фармойишлари, Университет буйруқлари, ҳамда ушбу Уставга амал қилади.

1.6. Институт оператив бошқариш ҳуқуқи асосида алоҳида мулкка эга бўлиб, ўз номидан қонунларда белгиланган тартибда, мулкӣ ва хусусий номулкӣ ҳуқуқлар олиб улар бўйича мажбуриятларни амалга оширади, судда даъвогар ва жавобгар бўлиб қатнаша олади.

1.7. Институт жойлашган манзили: 100164, Тошкент шаҳар, Мирзо Улуғбек тумани, Олимлар кўчаси, 64-уй.

2. Институтнинг мақсад ва вазифалари, ҳамда фаолият турлари

2.1. Институтнинг фаолиятдан мақсад, минерал хом-ашё базасини ривожлантириш ва қайта тўлдириш йўлида фойдали қазилмаларга истиқболли майдонларни илмӣ жиҳатдан асосланган ҳолда ажратиш кенг камровли илмӣ-тадқиқот, мавзувӣ ва тажриба-услугӣ ишлар ўтказиш, маъданлар, минераллар ва тоғ жинсларини моддий таркибини таҳлил қилиш, фойдали қазилмаларни бойитишнинг мақбул схемаларини ишлаб чиқиш бўйича лаборатория, технологик ва ярим саноат йўсинидаги тадқиқотлар (синовлар) ўтказишдан иборат.

2.2. Институтнинг асосий вазифалари қуйидагилардан иборат:

- Давлат геология қўмитаси ва Университет томонидан республика минерал хом-ашё базасини ривожлантириш ва қайта тўлдириш бўйича йиллик, ўрта ва узок муддатли давлат дастурларини ишлаб чиқиш ва шакллантиришда ўзининг ваколати доирасида қатнашиш;

- республика минерал хом-ашё базасининг потенциалини кучайтириш мақсадида илғор ва замонавий методлар ва технологияларга асосланган илмӣ-тадқиқот ишларни амалга ошириш, геология-қидирув ишлари олиб бориш учун истиқболли майдонларни аниқлаш;

- фойдали қазилмаларнинг янги турларини аниқлаш, уларни геологик ўрганиш ва саноатда ўзлаштиришнинг замонавий усуллари, инновацион ва рақамли технологияларни жорий этишга йўналтирилган илмӣ-тадқиқот лойиҳаларини амалга ошириш;

- қаттиқ фойдали қазилма қонларини башоратлаш, излаш, баҳолаш ва қидирув усуллариини такомиллаштириш, олинаётган геологик ахборотларнинг ишончилиги ва ҳаққонийлигини ошириш мақсадида космосдан ерни масофадан зондлаш, башоратли-металлогеник, геокимёвий, геофизик тадқиқотларни ўтказиш ҳамда уларнинг натижаларини ишлаб чиқаришга жорий қилиш;

- башоратлашнинг илғор усулларииндан фойдаланиб, чуқур таҳлил асосида, геология қидирув ишларини олиб бориш учун янги истиқболли майдонлар ажратиш ва асослаш, ҳамда уларни минерал хом-ашё базани ривожлантириш ва қайта тўлдириш бўйича тасдиқланган дастурлари

доирасида амалга ошириш;

- геологик қидирув ишларининг регионал тадқиқот ва излаш босқичларида ерни масофадан зондлаш ва ГИС-технологияларини қўллаш;

- мавзувий (шу жумладан 1:50 000, 1:200 000 масштабли Давлат геологик хариталарини ҳам) ва геологик мазмунидаги махсус 1:2000, 1:5 000, 1:10 000, 1:25 000, 1:50 000, 1:100 000, 1:200 000, 1:500 000, 1:1 000 000, 1:2 500 000 микёсидаги хариталарни тузишда ерни масофадан зондлаш ишларини кенг қўллаш;

- мунтазам таҳлиллар асосида ГҚИнинг муайян объектлари бўйича Давлат геология қўмитаси тизимости корхоналари томонидан баҳоланган башорат объектларининг ишончилиги ва ҳаққонийлиги ҳақида объектив хулосалар чиқариш;

- фойдали қазилма конларини баҳолаш ва қидириш босқичларида тоғ-кон иншоотлари ва бурғилаш кудуқларини намуналашнинг ишончилиги ва ҳаққонийлигини ва фойдали қазилма захираларини ҳисоблашнинг ишончилигини таъминлаш бўйича услубий тавсиялар ишлаб чиқиш;

- Давлат геология қўмитасининг лойиҳа ва ҳисоботлар тузиш бўйича тасдиқланган Инструктив ҳужжатларга асосланган ҳолда, Давлат геология қўмитаси тасарруфидаги корхоналар, маҳаллий ва чет эл корхоналари учун минерал хом-ашё потенциалини геологик-иктисодий баҳолашни (ГИБ), фойдали қазилма конларини йириклаштирилган техник-иктисодий ҳисобларини (ЙТИХ), дастлабки техник-иктисодий асослашни (ДТИА), техника-иктисодий асослашни (ТИА), умумлашган техник-иктисодий ҳисоб-китоблар (УТИХ) лойиҳа ишларини амалга ошириш;

- юридик, жисмоний шахслар, шу жумладан чет эл компаниялари бажарган ГИБ, ИТИХ, ДТИА, ТИАларга экспертиза ўтказиш ва рецензия қилиш;

- рудали ва норуда фойдали қазилмаларда ўтказилган лаборатория тадқиқотлар ва ярим саноат йўсинидаги синовлар асосида фойдали қазилмаларни бойитишнинг янги усулларини ишлаб чиқиш ва мавжудларини такомиллаштириш;

- ер қаърини геологик ўрганиш соҳасидаги халқаро лойиҳаларни бажарилишида қатнашиш;

- Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлиги томонидан белгиланган ер ости бойликларини геологик ўрганиш ва самарали фойдаланиш соҳасидаги илмий техник грант дастурларни бажаришда иштирок этиш;

- геологик ихтисосликлар бўйича Университет томонидан ишлаб чиқилган ўқув режаларини ва таълим жараёнлари дастурларини такомиллаштириш, шунингдек тармоқ кадрлари малакасини ошириш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш.

2.3. Институтнинг фаолият соҳаси ва асосий вазифаларига мувофиқ:

-мавзувий хариталарни (шу жумладан 1:50 000, 1:200 000 масштабли Давлат геологик хариталарини ҳам) ва геологик мазмунидаги махсус 1:500, 1:1000, 1:2000, 1:5000, 1:10 000, 1:25 000, 1:50 000, 1:100 000, 1:200 000,

1:500 000, 1:1 000 000, 1:2 500 000 масштаблари атласларни, графика, рақамли, фото ва бошқа шакллари тузиш ва нашрдан чиқаришни амалга оширади;

- махсус геологик мазмундаги географик ахборот тизимларини барпо қилади ва олиб боради;

- геодезия ва картография ишларини бажаришга лицензиялари булган давлат корхоналаридан 1:500, 1:1000, 1:2000, 1:5000, 1:10 000, 1:25 000, 1:50 000, 1:100 000, 1:200 000, 1:500 000, 1:1 000 000 масштаблари топографик асосларни олади ёки сотиб олади;

- Давлат геология қўмитаси тасарруфидаги корхоналар фойдаланиши учун сунъий йўлдош суратларини қайта ишлаш ва ГИС-дастурларни янгилаш ва сотиб олиш бўйича ишларни амалга оширади;

- илмий тадқиқот, тажриба-услубий, мавзувий ишлар, геологик-иктисодий тадқиқотлар, маъданларни лаборатория ва ярим саноат йўсинидаги технологик тадқиқотлари, матбаа ва ноширлик ишларининг Университет ва Давлат Геология қўмитаси билан келишилган устивор йўналишларини ишлаб чиқади;

- Ўзбекистан Республикаси ҳудудидаги каттик фойдали қазилма конларининг ҳосил бўлиш қонуниятларини ўрганиш бўйича илмий ишлар олиб боради;

- нодир, қора, рангли, ноёб металллар ва бошқа турдаги фойдали қазилма конларини башоратлаш ва уларнинг башоратланган ресурсларини баҳолаш ҳамда геология-қидирув ишларининг келгусидаги йўналишлари бўйича илмий-услубий тавсиялар ишлаб чиқади;

- фойдали қазилма конларини баҳолаш ва қидириш босқичларида тоғ-кон иншоотлари ва бурғилаш қудуқларини намуналашнинг ишончлилиги бўйича тадқиқотларни, фойдали қазилма захираларини ҳисоблаш ишончлилигини ошириш мақсадида уларни такомиллаштириш бўйича услубий тавсиялар ишлаб чиқади;

- геологик моделлар, конларни қазиб олиш усуллари ва тизимини замонавий дастурий таъминотлар қўллаб, тоғ-кон инвестицион лойиҳаларни замонавий стандартларни ҳисобга олиб иқтисодий моделларни яратиш, буюртмачининг бирламчи материаллари бўйича геологик қидирув, эксплуатацион, геофизик ва геохимёвий муайян маълумотлар базасини яратади;

- минерал хом-ашёлардан оқилона фойдаланиш бўйича тавсиялар ишлаб чиқиш мақсадида, фойдали қазилмаларни бойитишнинг кам чиқитли ёки чиқитсиз технологияларини, фойдали компонентларни ажратиш олишнинг биотехнологик усуллари, нодир ва ноёб-ер элементларни ажратиш олиш ва шу каби янги технологияларни ишлаб чиқишни ва мавжудларини такомиллаштиришни амалга оширади;

- Давлат геология қўмитаси, шунингдек юридик, жисмоний шахслар, шу жумладан чет эл юридик ва жисмоний шахсларининг буюртмалари бўйича шартнома асосида ер қаърини геологик ўрганиш бўйича, фойдали қазилма майдонларида геология қидирув, илмий-тадқиқот ва мавзувий ишлари олиб бориш бўйича, лаборатория миқёсидаги технологик ва тажриба-

услубий, ҳамда ярим саноат технологик шароитларда фойдали казилмаларни бойитиш ва фойдали металлларни ажратиб олиш технологияларини яратиш, тоғ жинсларининг таркибини ўрганиш бўйича лаборатория таҳлил ишлари, ноширлик ва матбаа ишларни бажаради;

- Давлат геология қўмитасининг манфаатдор корхоналари ва бошқа хўжалик субъектлари билан хўжалик шартномалари асосида амалга ошириладиган лаборатория ва тажриба тадқиқотлари ва ярим саноат йўсинидаги синовларнинг асосий йўналишларини, ҳажмларини ишлаб чиқади ва амалга оширади;

- ер қаърини геологик ўрганиш бўйича олиб бориладиган ишларни тартибга солувчи тармоқлараро ва бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни ваколати доирасида ишлаб чиқади;

- ўз ваколатлари доирасида, Институт бажарадиган илмий-тадқиқот, тажриба-услубий ва бошқа ишлар натижалари бўйича ҳисоботларни тасдиқлайди;

- таркиби Институт олимлари ва юқори малакали мутахассисларидан иборат Илмий кенгаш тузади ва ушбу кенгаш илмий-тадқиқот, тажриба-услубий, мавзувий ва бошқа ишлар йўналишларини белгилайди; лойиҳа-смета ҳужжатларини, бажарилган ишлар натижалари бўйича ҳисоботларни ва институтнинг асосий фаолияти билан боғлиқ бошқа масалаларни кўриб чиқади. Илмий кенгаш ҳақидаги қоидалар Институт директори томонидан тасдиқланади;

- таянч докторантура, докторантура ва мустақил тадқиқотчилик орқали юқори малакали илмий кадрларни тайёрлашни амалга оширади;

- геология тармоғи учун кадрлар тайёрлаш ва малакасини ошириш бўйича, шу соҳадаги илғор тажрибалардан фойдаланган ҳолда, мунтазам равишда иш олиб боради, шунингдек Давлат геология қўмитаси, Университет, бошқа республика олий ва ўрта махсус таълим ўқув юртларида кадрлар тайёрлаш йўналишлари бўйича таклифлар киритади;

- ўз ваколатлари доирасида ер қаъридан фойдаланиш ҳуқуқини юзага келтирувчи, шартнома асосида уни геологик ўрганишга асос бўлувчи лойиҳа-смета ҳужжатларини тасдиқлайди;

- структуравий бўлинмаларда ишлаб чиқаришнинг хавфсиз шароитларини, ёнғин хавфсизлиги қоидаларини, санитария ва экологик меъёрларини, дала тадқиқот ишлари ўтказишнинг меъёрлари ва қоидаларини бажарилишини таъминлайди;

- ишониб топширилган мулкни сақланишини ва ундан самарали фойдаланишни таъминлайди;

- давлат сирларини ташкил қилувчи маълумотларни, махфийлик режимини сақлашни таъминлаш бўйича чора-тадбирлар ишлаб чиқади; тижорат сирларни ташкил қилувчи маълумотлар таркибини, ҳажминини ва ҳимоясини белгилайди;

- Ўзбекистон Республикаси қонунлари билан таъқиқланмаган бошқа фаолият турларини амалга оширади.

3. Институт мулки

3.1. Институт илмий ва раҳбар ходимлари ойлик маоши Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 18 августдаги “Илмий ходимлар меҳнатини янада рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 233-сонли қарори, асосида ва Университет Уставида кўрсатилган базавий лавозим маоши миқдорига мувофиқ белгиланади.

3.2. Институт инженер-техник ва ишчи ходимлар ойлик маошлари Давлат геология кўмитаси тизимида меҳнатга ҳақ тўлашнинг ягона тариф сеткасига мувофиқ белгиланади.

3.3. Институт ходимига лавозим маоши (ставка) ўз функционал вазифаларини ҳамда меҳнат шартномасида назарда тутилган ишларни бажарганлиги учун тўланади. Қўшимча маош, устама ва бошқа моддий рағбатлантириш тадбирларининг ҳажмини институтнинг хўжалик шартномаларидан ҳосил бўлган фойда ҳисобидан қонунчиликда белгиланган тартибда ва ҳажмда амалга оширади.

3.4. Институт мулки давлат тасарруфида бўлиб, у бўлинмасдир ва ҳиссаларга (улушларга, пайларга), шу жумладан Институт хизматчилари ўртасида, тақсимланиши мумкин эмас. Бу мулкка Институт хўжалик юритиш ҳуқуқи асосида эгаллик қилади ва мустақил балансида ифода этади.

3.5. Институт мулкининг шаклланиш манбалари қуйидагилардир:

- Университет томонидан Институт ихтиёрига хўжалик юритиш ҳуқуқи асосида топширилган мол-мулк;

- бюджетдан йиллик минерал хом-ашё базасини ривожлантириш ва қайта тўлдириш дастури доирасида ажратиладиган мақсадли маблағлар, дотациялар;

- Институтга хўжалик шартномалари асосида бажарилган ишлардан олинган даромадлар;

- қарз маблағлари, шу жумладан банклар ва бошқа кредит берувчи ташкилотларнинг кредитлари;

- Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида тақиқланмаган бошқа маблағлар.

Қорхона мулкининг қиймати Институтнинг мустақил балансида акс эттирилади.

3.6. Кўчар ва кўчмас мулкни Институт қонунчиликда белгиланган тартибда, фақат мақсадлари, предмети ва турлари ушбу Уставда белгиланган фаолиятни амалга ошириш имкониятидан маҳрум қилмайдиган доирада тасарруф этади.

3.7. Минерал хом-ашё базасини ривожлантириш ва тўлдириш йиллик давлат дастурлари доирасида Давлат геология кўмитаси билан тузилган шартнома асосида келиб тушган бюджет маблағлари, Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожлантириш вазирлиги томонидан ажратилган грант маблағлари, хўжалик фаолиятдан тушумлар, халқаро ташкилотлар грантлари, қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар институтнинг молиялаштириш манбаи ҳисобланади.

3.8. Куйидаги холларда Институт мулкни тасарруф этиш, Институт томонидан Университет билан келишилган ҳолда амалга оширилади:

- асосий воситаларни сотиш, уларни ижарага ёки гаровга бериш;
- мулкни улуш сифатида хўжалик жамиятининг устав фондига киритиш;
- хўжалик жамиятларининг акцияларини (ҳиссаларини) сотиб олиш;
- хўжалик жамиятларининг Институтга тегишли акцияларини (ҳиссаларини) сотиш;
- Институт фаолиятининг мақсадларига мос келмайдиган мулк тасарруф этишнинг бошқа кўринишлари.

3.9. Институт, ер ва бошқа табиий ресурсларга эгалик қилишни ва фойдаланишни Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига мувофиқ амалга оширади.

4. Институтнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари

4.1. Институт ўз фаолиятини амалга ошириш учун қуйидаги ҳуқуқларга эга:

- белгиланган тартибда Университет розилиги билан Институтнинг структуравий бўлинмаларини тузади, қайта ташкил қилади ва тарқатиб юборади;
- Университет розилиги билан, амалдаги қонунчилик бўйича юридик шахсларнинг иштирок этиши рухсат этилган тижорат ва нотижорат ташкилотларнинг иштирокчиси (аъзоси) бўлиши мумкин;
- зарурат туғилганда, Давлат геология қўмитасининг ёки Университетнинг ўта муҳим (ёки йирик) топшириқларини бажариш учун соҳанинг (шу жумладан Институтнинг), ҳамда бошқа турдош ташкилотларнинг юқори малакали мутахассисларини жалб қилган ҳолда муваққат ишчи гуруҳларини (меҳнат жамоаларини) тузиши мумкин;
- белгиланган тартибда Университет билан келишган ҳолда, ўзаро мақбул ташки иқтисодий алоқаларни амалга ошириш ва ривожлантириш;
- ўрнатилган тартибда халқаро ҳамкорликларни амалга ошириш, олимлар ва мутахассисларни чет давлатларга хизмат сафарга юбориш, чет эл олимларини, халқаро ижтимоий, молиявий ва иқтисодий ташкилотларнинг вакилларини, соҳа бўйича чет эл фирмалари ва компанияларининг вакилларини таклиф қилиш ва қабул қилиш;
- асосий илмий йўналиши бўйича илмий ва илмий-техникавий конференциялар, семинарлар ва симпозиумлар, шу жумладан халқаро тадбирлар ўтказиш лойиҳасини тузади ва амалга оширади;
- диссертациялар химояси бўйича ихтисослаштирилган кенгашлар тузишга таклиф киритади ва уларнинг иш фаолиятини таъминлайди;
- юридик ва жисмоний шахслар билан Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига, ушбу Уставга, шунингдек Институт фаолиятининг мақсад ва фаолиятига зид бўлмаган барча турдаги шартномалар тузиши мумкин;
- шартнома асосида илмий-тадқиқот ишларини амалга ошириш,

олинган фойдани Институт ходимларини моддий рағбатлантиришга, унинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ва ривожлантиришга сарфлаш;

- мукофотлаш ва устама ҳақ тўлаш ҳақидаги тасдиқланган Низомга мувофиқ ходимларни мукофотлайди ва уларнинг ойлик маошларига устама ҳақлар белгилайди;

- жаҳон андозаларига тенг келадиган, илмий тадқиқотлар олиб бориш учун керак бўладиган замонавий дастурий қўлланмалар, асбоб-ускуналар ва технологиялар таъминотни амалга ошириш;

- Давлат геология қўмитаси ва Университет розилиги билан қимматли қоғозларни сотиб олиши ва улар билан операциялар олиб бориши;

- капитал таъмирлашни (шу жумладан ўз кучи билан) амалга ошириш, ишлаб чиқаришни кенгайтириш ва қайта қуриш, халқ истеъмоли товарларини ишлаб чиқариш ва аҳолига пуллик хизмат кўрсатиш;

- Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида тақиқланмаган бошқа фаолият турларини амалга ошириш.

4.2. Институтнинг мажбуриятлари:

- белгиланган тартиб ва муддатларда молия, статистик, тезкор, бухгалтерия ҳисоботларини тегишли ва назорат органларига ҳамда Унисерситет ва Давлат геология қўмитаси талаби бўйича, бошқа маълумотларни такдим этади;

- Давлат геология қўмитасига ва Университетга геология-қидирув ишларини амалга ошириш учун зарур бўлган техника, ускуналар, аппаратура ва асосий технологик материалларни сотиб олиш бўйича таклифлар киритади;

- ёш мутахассисларнинг малакалари ва билимларини ошириш учун лозим булган шароитларни яратиб бериш ва Институт илмий потенциалининг ўсишига ёрдам бериш;

- мулк воситалари ва меҳнат ресурсларидан самарали фойдаланиш.

5. Институтни бошқариш

5.1. Институт фаолиятига Университет ректорнинг тавсиясига кўра Давлат геология қўмитаси томонидан меҳнат шартномаси асосида лавозимига тайинланадиган ва лавозимидан озод этиладиган илмий унвонга эга бўлган директор раҳбарлик қилади.

5.2. Директор лавозимида ишловчи шахс мустақил штат лавозимида ишловчи шахс ҳисобланади ва уни ўриндошлик тартибида эгаллашга рухсат этилмайди.

5.3. Институт директори ўз фаолиятида Университет Уставига, ушбу Уставга ва қонунчиликда белгиланган бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга амал қилади.

5.4. Давлат геология қўмитаси билан келишган ҳолда, Университет ректорининг буйруғи билан директор ўринбосарлари тайинлайди. Директор ўринбосарларининг ваколатлари Институт директори томонидан белгиланади.

5.5. Институт ходимлари ва Институт директори ўртасидаги ўзаро меҳнат муносабатлари юзасидан вужудга келадиган ҳолатлар Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодекси ва Университет жамоа шартномаси асосида тузилган Институт

жамоа шартномаси билан тартибга солинади.

6. Институт директорининг ҳуқуқлари, мажбуриятлари ва жавобгарлиги

6.1. Институт директори қуйидагиларни амалга оширади:

- Институт директори уз фаолиятида мазкур Уставга, Университетнинг Уставига ва қонунчиликда белгиланган бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга амал қилади;

- институт номидан ишончномасиз ҳаракат қилади;

- уз ваколати доирасида Институт мулкани бошқаради, шартномалар тузади, шу жумладан меҳнат шартномаларини (жумладан контракт асосидаги шартномаларни), қонунчиликда белгиланган тартибда ишончномалар беради;

- банкларда ҳисоб-китоб варақларини ва бошқа ҳисоб варақларини очади;

- маблағларни бошқариш ҳуқуқидан фойдаланади;

- Давлат геология кўмитаси ва Университет билан келишган ҳолда, Институт хизматчиларининг штатлар сонини ва уларнинг иш ҳақлари миқдорини тасдиқлайди;

- буйруқлар ва фармойишлар чиқаради;

- Институтнинг ички ҳужжатларини тасдиқлайди, Институтнинг барча ходимлари бажаришлари шарт бўлган кўрсатмаларни беради;

- ўз ходимларига қафолатланган иш шароитларини ва ижтимоий ҳимоя чораларини таъминлайди, ишлаб топилган маблағлар доирасида бошқа ижтимоий имтиёзлар белгилайди;

- қонунчилик асосида бошқа ваколатларни амалга оширади.

6.2. Институт директори ҳар чоракда Давлат геология кўмитаси коллегиясида Институт фаолияти ҳақида ҳисобот беради.

6.3. Институт директори ўз ҳуқуқларини амалга ошириш ва мажбуриятларини бажариш чоғида, Институт манфаатларини кўзда тутган ҳолда ҳаракат қилади ва қонунчиликда белгиланган тартибда қуйидагилар учун жавобгардир:

- бюджетга ва бюджетдан ташқари фондларга тўловларни ўз вақтида ўтказиш;

- иш ҳақини тўлаш;

- меҳнат муносабатлари ва уларга тенглаштирилган тўловлар бўйича келиб чиқадиган барча талабларни қондириш;

- ишлаб-чиқариш фаолияти билан бевосита боғлиқ бўлган эҳтиёжларга пул маблағларини ўтказмаслик;

- ишлаб-чиқаришда бахтсиз ходиса туфайли Институт ходимларига зарар етказилиши ёки соғлиққа бошқа зарар етказилиши;

- унинг ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) туфайли Институтга етказилган моддий зарар, шу жумладан Институтга топширилган давлат мулкнинг йўқотилиш ҳоллари учун қонунчиликда белгиланган тартибда жавоб беради.

7. Институт филиаллари ва ваколатхоналари

7.1. Институт Университет ва Давлат геология кўмитаси билан келишилган ҳолда, алоҳида юридик шахс бўлмаган, ваколатхоналар, филиаллар ва бошқа таркибий бўлинмаларни очиши мумкин.

7.2. Ваколатхоналар, филиаллар ва бошқа ажралган бўлинмалар Институт тасдиқлаган қоидалар асосида Институт номидан иш кўради.

7.3. Институт филиали ва таркибий бўлинмасининг раҳбари, Давлат геология кўмитаси билан келишилган ҳолда, Институт раҳбари томонидан тайинланади ва унинг ишончномаси асосида иш юритади. Филиал ёки структуравий бўлинманинг раҳбари билан тузилган меҳнат шартномаси тўхтатилганда, ишончнома Институт раҳбари томонидан бекор қилиниши лозим.

7.4. Институт бошқа давлат муассаса таъсисчиси бўлиши мумкин эмас.

8. Институтнинг жавобгарлиги

8.1. Институт ўз мажбуриятлари бўйича унга қаршли мулк билан жавоб беради. Институт мулки етишмаган ҳолда, Университет Институт мажбуриятлари бўйича субсидиар тарзда жавоб беради.

8.2. Институт Давлат геология кўмитаси мажбуриятлари бўйича жавоб бермайди.

8.3. Филиаллар ва таркибий бўлинмаларнинг мажбуриятлари бўйича Институт жавоб беради.

9. Институт фаолияти устидан назорат

9.1. Ҳисобот даври тугагач, Институт ваколатли органларга молиявий ҳисобот ва рўйхати қонунчиликда белгиланган бошқа ҳужжатларни тақдим этади, ҳамда белгиланган тартибда ҳужжатларнинг сақланиши ва уларни давлат сақловига топширилишига жавобгардир.

Институт Давлат геология кўмитаси томонидан белгиланган шаклда ва тартибда ўзининг асосий ишлаб-чиқариш хўжалик фаолияти бўйича ҳисоботини Университетга ва Давлат геология кўмитасига тақдим этади.

9.2. Институтнинг хўжалик юритувчи орган сифатидаги фаолияти устидан назорат қилишни Университет, Давлат геология кўмитаси ва бошқа ваколатли органлар қонунчиликда белгиланган тартибда амалга оширадilar.

10. Институтнинг қайта ташкил этиш ва тугатиш

Институтни қайта ташкил этиш (бирлашиш, ажралиш, қайтадан ўзгартириш) ва тугатиш Давлат геология кўмитасининг қарори бўйича, Университет билан келишган ҳолда, Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида кўзда тутилган тартибда ёки суд қарорига мувофиқ амалга оширилади.

11. Уставга ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритиш

11.1. Институт Уставига ўзгартиришлар ва қўшимчалар Университет буйруғига асосан киритилади.

11.2. Институт Уставига ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритилганда, Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида белгиланган тартиб ва муддатларда Уставни рўйхатга олган органга тақдим этиши, бу ҳақида Ўзбекистон Республикасининг тегишли давлат органларини, Университетни ва Давлат геология қўмитасини хабардор қилиши шарт.

«Минерал ресурслар институти»
Давлат муассаси директори



М.У. Исоков